

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

391 Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидалари
«Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиб
ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га (ЎЗР АҚ-92)
ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1773-1*

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ **бўйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 30 январдаги 16-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1773, 2008 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 8-9-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидалари «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиб ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га (ЎЗР АҚ-92) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 21 июль,
50-н-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил
21 июлдаги 50-н-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидалари
«Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиб ишларини
ташқил этиш бўйича қоидалар»га (ЎЗР АҚ-92) киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қоидаларнинг номидан «Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидалари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 49-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Учувчилар таркибининг касбий тайёргарлиги кутилаётган шарт-шароитларда, шунингдек мураккаб фазовий ҳолатларга тушиб қолишнинг олдини олиш ва бундай вазиятлардан чиқиб кетишда ўз вақтида ва тўғри ҳаракатланиш учун экипаж аъзоларида зарур билим ва тажрибани шакллантириш ва уларни ошириб бориш орқали парвозларнинг юқори хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.».

3. 89-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«89. ШЭХМда ўтказилган тест синовларининг натижалари малака тоифасини беришда (оширишда, тасдиқлашда), парвозларга рухсат беришда, гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда, шунингдек ЎМларда (ЎММларда) ўқитишда инобатга олинади.».

4. 100-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«100. ХК командирлари ва иккинчи учувчиларни сафга киритиш авиаккомпанияларнинг УТТДларига мувофиқ амалга оширилади.».

5. 101, 122, 123 ва 158-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 117-банднинг иккинчи ва учинчи жумлалари чиқариб ташлансин.

7. 118-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«118. СМТ (FFS)да машқлар ва текширувларни ташқил этиш ҳамда ўтказиш тартиби авиаккомпанияларнинг ФА учувчилар таркибини ХК тренажёрларида машқ қилдириш ва текширишни ташқил қилиш бўйича ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган талаблар асосида амалга оширилади.».

8. 121-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ғарбда ишлаб чиқарилган ва Ил-114-100 ХҚларининг штурман-инструкторлари тренажёр текширувидан ўтказилмайди.».

9. 125-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

10. 153-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«153. Мавсумий тайёргарлик 2 — 4 тоифадаги ХҚ ва барча тоифадаги вертолётларнинг учувчилар таркиби учун ўтказилади.».

11. 163-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«163. 2 — 4-тоифадаги ХҚ ва барча тоифадаги вертолётларнинг учув-

чилар таркиби иштирокидаги учиш-техник анжуманлар бир йилда икки марта (куз-қиш даври ва баҳор-ёз давлари учун тайёргарликнинг охирида) ўтказилади.».

12. 168-бандда:

биринчи жумла чиқариб ташлансин;

иккинчи жумладаги «самолётлар» деган сўз «ХК» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

13. 233 ва 234-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«233. Учиш ва қўниш пункти орасидаги йўналишлар бўйича ва аэродромларга таништирув парвозлари САТ-II-III ҳамда САТ-I минимуми бўйича парвозларга рухсат берилган командир-учувчилар таркибидаги шахслар билан ўтказилади, MNPS самовий ҳудуди, Шимолий Атлантика устидаги самовий ҳудуд ҳамда авиакомпаниялар томонидан белгиланган махсус ва тоғли аэродромлар бундан мустасно.

Таништирув парвозлари Фарбда ишлаб чиқарилган ХКда штурман-инструктор сифатида парвозларга рухсати бўлган учувчилар отряди катта штурмани ва ундан юқори лавозимдаги штурманлар томонидан ўтказилади.

234. Ил-114-100 ХК командир-учувчилар таркибидаги шахслар билан учиш ҳамда қўниш пунктлари орасидаги йўналишлар бўйича ва аэродромларга таништирув парвозлари мазкур турдаги ХКда штурман-инструктор сифатида парвозларга рухсати бўлган учувчилар отряди катта штурмани ва ундан юқори лавозимдаги штурманлар томонидан ўтказилади.».

14. 248-банддан «ЯК-40, АН-24,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15. 249-банддан «Як-40, Ан-24,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

16. 257-банддан «В-767/757» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

17. 358-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«358. Халқаро парвозларни бажарувчи учувчилар таркиби «Дававиана-зорат» инспекцияси томонидан тасдиқланган дастурлар асосида сертификатланган ЎМларда (ЎММларда) уч йилда бир марта чет тили, халқаро парвозлар қоидалари ва махсус интизом курслари бўйича малака оширадilar.».